

## Дунёдаги энг бахил халқ



19:00 / 03.12.2024 1004

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қиласи:

وَأَكْلُهُمْ أَلِّا ثُمَّ قَوْلُهُمْ عَنْ وَالْأَحْبَارُ الرَّبَّنِيُّونَ يَنْهَا هُمْ لَوْلَا

٦٣ ﴿يَصْنَعُونَ كَانُوا مَا لَيْسَ السُّجْنَتَ﴾

«Роббонийлари ва аҳборлари уларни гуноҳни айтишларидан ва ҳаром ейишларидан қайтарсалар бўлмасми?! Қасамки, қилаётган ҳунарлари қандай ҳам ёмон!» (Моида сураси, 63-оят).

Аввалги оятларнинг тафсирида айтилганидек, роббоний – ишбоши, тарбияда масъул кишилар, аҳборлар эса диний олимлардир. Бундан

шундай маъно келиб чиқадики, ҳар бир жамиятнинг роббонийлари – ҳукм юритиш ва тарбия қилиш масъулияти бўйнига юклатилган ҳокимлари ва диний олимлари ўз қавмларини гуноҳдан ва ҳаромхўрликдан қайтаришлари лозим экан. Бу Исломда амри маъруф, наҳий мункар дейилади. Жамиятнинг яхши бўлиши, муваффақиятларга эришиши учун амри маъруф, наҳий мункар зарур. Акс ҳолда оқибати расволикдир. Мазкур яхудийларнинг ҳалокатга учрашларининг асосий сабабларидан бири ҳам мункар (ёмон иш) қилувчини ёмонликдан қайтармаганлари бўлган. Қайси бир жамиятда кишиларга амри маъруф ва наҳий мункар қилинмаса, яъни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарилиб, шубҳасиз, у жамият ҳалокатга юз тутади. Гуноҳдан қайтариш ва ҳаромдан ман этиш бўлмас экан, оқибати войдир.

يَدَاهُ بَلْ قَالُوا إِمَّا وَلِعْنُوا أَيْدِيهِمْ غُلْتَ مَغْلُولَةً اللَّهُ يَدُ الْيَهُودُ وَقَالَتِ

مِنْ إِلَيْكَ أُنْزِلَ مَا مِنْهُمْ كَثِيرًا وَلَيَزِيدَنَّ يَسَاءُ كَيْفَ يُنْفِقُ مَبْسُوطَاتِ

الْقِيمَةِ يَوْمٍ إِلَى وَالْبَغْضَاءِ الْعَدُوَّةِ بَيْنَهُمْ وَالْقِيَّـنَا وَكُفَّارًا طُغِيَّـنَا رَبِّكَ

فَسَادَ الْأَرْضَ فِي وَيَسَعُونَ اللَّهُ أَطْفَأَهَا لِلْحَرَبِ نَارًا أَوْ قَدُّوا كَلَمَّا

**«Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлангандир», - дедилар. Қўллари боғлансан уларнинг! Айтганлари учун лаънатга учрасинлар!**  
**Аксинча, Аллоҳнинг икки қўли очиқ, хоҳлаганича нафақа қилур.**  
**Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса, албатта, улардан кўпларининг туғён ва куфрини зиёда қиласажак. Уларнинг орасига қиёмат кунигача душманлик ва нафратни солдик. Улар ҳар қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур. Улар ер юзида бузғунчилик учун саъихаракат қилурлар. Аллоҳ бузғунчилик қилувчиларни севмас»** (*Моида сураси, 64-оят*).

Ушбу ояти карима яҳудийларнинг Аллоҳ таолога нисбатан катта беодобликларидан бирини келтириш билан бошланмоқда. Аллоҳ таоло тўғрисида нотўғри тасаввурга бориб:

**«Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлангандир», - дедилар».**

Бу гаплари билан улар «Аллоҳ баҳил», демоқчилар. Ҳамма айблардан холи бўлган Аллоҳ таолони «баҳил» дея сифатлаш учун фақат яҳудий бўлиш керак. Фақат уларгина бундай даъво қилишга журъат этишлари мумкин. Аслида баҳиллик яҳудийларнинг ўзларига хос. Улар дунёдаги энг баҳил халқ ҳисобланадилар. Оятнинг давомида:

**«Қўллари боғлансан уларнинг!» - деб дуо қилинмоқда.**

Қуръони Карим ҳақ: дуойибадга дучор бўлган яҳудийларнинг қўллари доимий боғлангандир. Оятнинг давомида:

**«Айтганлари учун лаънатга учрасинлар», - дейилган.**

Уларнинг лаънатга учраганлари ҳақида оятлар кўпдир. Кейинги жумлада лаънати яҳудийларнинг бу даъволарига жавоб келади:

**«Аксинча, Аллоҳнинг икки қўли очиқ, хоҳлаганича нафақа қилур».**

Аллоҳ таолонинг нафақат инсонларга, балки бутун махлуқотларга берган ва берадиган неъматлари ҳадсиз-ҳисобсиз экани очиқ ва равшан. Бу

ҳақиқатни англаб етиш учун кўп далил керак эмас.

**«Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса, албатта, улардан кўпларининг туғён ва куфрини зиёда қиласажак».**

Яҳудийларнинг қалблари ҳасадга тўлалиги сабабли Исломга қарши туғён ва куфрлари зиёдадир. Хусусан, Аллоҳ нозил қилган Қуръони Карим уларнинг ҳасадини баттар қўзғайди. Чунки Қуръон оятлари доимо уларни фош этади ва шарманда қиласади. Оқибатда яҳудийларнинг туғён ва куфрлари янада зиёда бўлади.

Яҳудийларнинг ҳаётида бўладиган яна бир ҳолат:

**«Уларнинг орасига қиёмат кунигача душманлик ва нафратни солдик».**

Сиртдан қаралса, яҳудийлар ўзаро иттифок, ахил-иноқ, муҳаббатлари зиёда бўлиб кўринади. Аслини олганда, тарихчиларнинг таъкидлашларича, яҳудийлар қадимдан тоифа-тоифа бўлиб, ўзаро ашаддий душманликда яшаганлар ва шундай давом этмоқдалар. Уларнинг тарихи ўзаро адоват ва ёмон кўришлар билан тўла. Натижада улар қаерга борсалар, қувғинга учраб келганлар. Қаерга борсалар, фитнага сабаб бўлиб юрадилар.

**«Улар ҳар қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур».**

Қанчадан-қанча урушлар яҳудийларнинг иғвоси билан бўлгани ҳаммага маълум.

**«Улар ер юзида бузғунчилик учун саъйҳаракат қилурлар».**

Ҳозир ер юзидаги ҳар бир фасодда яҳудийларнинг қўли борлиги ҳам ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Аммо билиш лозимки:

**«Аллоҳ бузғунчилик қилувчиларни севмас».**

Аввалги оятларда аҳли китобларнинг туғён ва куфрлари баён қилинган бўлса, энди улар ўзларини қандай тутишлари лозимлиги айтилади.

عَنْهُمْ لَكَفَرُوا وَاتَّقُوا إِمَانُوا أَلْحِكِتَبِ أَهْلَأَنَّ وَلَوْ

٦٥ الْنَّعِيمِ جَنَّتِ وَلَا دَخْلَنَّهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ

**«Агар аҳли китоблар иймон келтириб, тақво қилганларида эди, албатта, уларнинг ёмонликларини ўчирган ва наъим жаннатларига киритган бўлардик» (Моида сураси, 65-оят).**

Аҳли китобларнинг бурчи иймон келтириш эди. Аллоҳ амр қилган нарсаларга иймон келтирсанларида, лозим ишни адо этган бўлар эдилар. Иймонлари ҳақиқий бўлиб, уларни тақвога чорлагандা эди, олий мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини тақдирлаб, гуноҳларини ювар ва уларни жаннати наъимга – неъматлар жаннатига киритган бўларди.

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди**